

Бюджетдан маблаг олувчи муассасаларни озик-овкат махсулотлари билан таъминлаш бўйича

№ 22-сонли
ШАРТНОМА

« 05 » январь 2022 йил

Яйпан шахри

Ўзбекистон туман МТБ номидан рахбар Х.А.Қўзиёва
(Хужалик юртувчи субъект)

(Ф.И.Ш)

Бундан буён бир томондан «Харидор» деб юритилади, низоми асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан «**САХОВАТ ПЕША SNOXRUX BEK**» МЧЖ номидан рахбари Ш.Мадрахимов низоми асосида иш юртувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилади.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

«Сотувчи» қуйидаги кишлоқ хужалик махсулотларини 2022 йил январь ойида етказиб беради.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Ун	кг	2000	2500	5000000
2					
	Жами				5000000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси (5000000) **Беш миллион сўм**
(рақам билан) (сўз ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 15% миқдорида, етказиб берилгандан сўнг товар учун 85% миқдорида пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 1 ой муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

(товар етказиб бериш муддати)

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидани бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириши шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 10 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблагги бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0.5% миқдорида «Харидор» га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори шартнома қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5% миқдорида жарима тўлайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Текширув органлари томонидан махсулот нарҳи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 (бир) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмасе иқтисодий суд ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил « 05 » январь дан 2022 йил « 31 » январгача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлим)дан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

Х. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Сотувчи»

«САХОВАТ ПЕША SHOXRUX BEK» МЧЖ

Манзили: Ўзбекистон тумани Элчи МФЙ Элчи қ-ги

Х/Р: 20208000405162190001

Банк номи: Агробанк АТБ Ўзбекистон филиали

МФО: 00533 ОКОНХ: 71150

СТИР: 307023203

Рахбари:
Мухр



Ш.Мадрохимов
(Ф.И.Ш)

«Харидор»

Ўзбекистон туман МТБ

Манзил: Яйпан шаха Зийкор кучаси №98

Тел, факс:

Ш.хв.: 400522860302307091100251063

СТИР 305153082 ОКОНХ: 92400

Ғазначилик бўлинимаси номи: Ўзбекистон тумани

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент ш. Б.Б
Х.К.К.М


МФО: 00014

Ғазначилик бўлинимаси, СТИР: 201122919

Рахбар: Х.А.Кузиева



(Нмво)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 28 yanvar.

Yaypan shahri.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA
HUQUQIY XULOSA

- 1.Loyihaning turi: Shartnoma.
- 2.Loyihaning mazmuni: Budjetdan mablag' oluvchi muassasalarni oziq-ovqat maxsulotlari bilan ta'minlash bo'yicha.
- 3.Loyiha O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 05.01.2022-yil kuni ishlab chiqilgan va 27.01.2022-yil kun markazga taqdim etilgan.
- 4.Loyihada O'zbekiston tuman maktabgacha ta'lim bo'limiga "SAXOVATPEShA ShOXRUX BEK" MChJ tomonidan umumiy qiymati 5.000.000 (besh million) so'mlik 1-navli un etkazib berilishi nazarda tutilgan bo'lib, shartnomani amal qilish muddati 31.12.2022-yil kuniga belgilangan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018-yildagi PQ-3953-son Qarori bilan tasdiqlangan Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxatining 27-bandida, davlat xaridlari sohasidagi vakolatli organ bilan kelishilgan ro'yxat bo'yicha davolash-profilaktika va ta'lim muassasalari tomonidan oziq-ovqat maxsulotlarini sotib olish uchun to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar tuzishi mumkinligi ko'rsatilgan.

Yuqorida bayon etilganlarga asosan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyun kungi PQ-5168-sonli qaroriga qo'llanib,-

XULOSA QILAMAN:

5. O'zbekiston tumani maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan 22-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

O'zbekiston tuman YXKM

bosh yuriskonsul'ti



M.Utanov